

СОХТА АМАЛДОР

...Тўғриси айтилган бўлсак, К.Сарыхановнинг ноқонуний фаолияти доираси шу қадар кенг камровлики, қай биридан бошлашга ҳам иккиланади киши. Яхшиси, суд ҳукми тартибиди, бир бошидан баён қиламиз.

5 бет

ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТГА ҚАРШИ

Бугун дунё халқлари турли соҳаларда мисли қўрилмаган ютуқларни қўлга киритиш билан бирга қўпдан-қўп зарарли иллатлардан азият чекмоқда. Ўз навбатида, бу иллатлар трансмиллий жиноятларга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

7 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 17-sentabr, №38 (663)

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) биносида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан биргаликда ташкил этилган "Амнистия актини қўллашда жамоатчилик назорати: амалиёт ва самардорлик" мавзусида семинар бўлиб ўтди.



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Амнистия актини қўллаш тартиби тўғрисидаги Сенат Қарорининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ошкоралик ва очиқ-ойдинлиқни таъминлаш, тартиббузарликлар ва хатоларнинг олдини олиш мақсадида амнистия актини қўллаш тартиб-таомили устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шартлиги белгилаб қўйилди. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Қарорга мувофиқ сенаторлар, халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларидан ҳамда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди. Бу ишчи гуруҳларнинг аъзоларига жиноий жазоларни ижро этиш муассасалари ва органларига бориш, маҳкумлар билан суҳбатлар ўтказиш ва уларнинг шахсий ҳужжатлари билан, суриштирув ва дастлабки тергов органлари юритувидаги терговчи билан текширув материаллари ҳамда жиноят ишлари билан танишиш, амнистия актини қўллаш юзасидан терговчи бўлган текширув материалларини ўрганиш ва қўриб чиқишда бевосита иштирок этиш, амнистия акти бўйича озод қилинган шахслар билан олиб борилаётган ишларнинг аҳолини мониторинг қилиш ҳуқуқи берилган.

Шунинг учун ҳам семинарнинг асосий мақсади ишчи гуруҳларнинг аъзоларига амнистия актини қўллаш бўйича Низомга мувофиқ жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги асосий вазифаларни тушунириб беришдан иборат бўлди. Семинар қатнашчиларининг эътибори ам-

нистия актини қўллашда суниестемол қилиш ҳамда уни қонунга ҳилоф равишда қўллаш ёки рад этиш ҳолларини аниқлаш зарурлигига қаратилди.

Муҳокама чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Х.Ҳалимов сўз олиб, амнистия актини қўллашда прокурорнинг ўрни, ушбу жараёнда прокуратуранинг бошқа органлар билан алоқаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари янада либераллаштирилаётганлиги ва инсонпарварлаштирилаётганлиги, амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилганлиги ҳамда жамоатчилик назорати институти жорий этилганлиги туфайли озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда ижобий таъминлаш қўзғатаётганлигини, қамоқда сақланаётганларга нисбатан зўрлик ишлатиш ҳоллари ҳақидаги мурожаатлар сони қаммайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Семинар ишида сенаторлар, депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, суд, ички ишлар органлари, ақлия органларининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакиллари, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўз муҳбиримиз

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган йлқ қунардан бошлаб инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Шу йилнинг августиди Олий Мажлис Сенати томонидан "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" қарор қабул қилинганлиги бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлислар залида Сенатнинг ушбу қарори ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори вазифасини бажарувчи Ж.Наимбетов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-

ларининг маъмур қарор ижросига дахлдор барча раҳбар ва ходимлари иштирок этишди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ч.Есерапов, Олий суд судьяси И.Муслимов, ИИВ Тергов бош бошқармаси терговчиси О.Сотимовлар Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорини бекаму

қўст ижро этиш, бу жараёнда жамоатчилик вакиллари ва депутатлар иштирокини таъминлаш, озод қилинаётган шахсларнинг ижтимоий ҳаёта мослашувига ёрдам бериш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори Ё.Абдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари К.Абдужалиев, ЎзФА Қорақалпоғистон филиали директори Н.Айимбетовлар иштирок этишди.

Н.ОКНАЗАРОВ,
"Нуқуқ" муҳбири

ИСЛОҲОТЛАРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида банк-моллия тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиш, уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдаги ролини кучайтириш ҳамда банк хизматлари сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Қ.Ҳаҳрамов ИБРОҲИМОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Қ.Ҳаҳрамов Иброҳимович барчамизга маълумки, аҳолининг банкга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг ноқонуний айланмасини қисқартириш, бўш пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантиришга қаратилган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Шундан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Аввало, суҳбатни жорий йилнинг 6 ойи давомида қилинган ишлардан бошласек. Бу давр мобайнида прокуратура органлари томонидан республикада фаолият юритаётган тижорат банклари ходимларига нисбатан пора олиш, ҳужжатларни сохта-лаштириш, ўзганининг мулкни ўзлаштириш, мансабга совуқ-қонлик билан қараш, мансаб ваколатини суниестемол қилиш каби жиноий қилмишлар юзасидан жами 194 та жиноят иши қўзғатилган. Ачинарли томонларидан яна бири шундаки, аниқланган жиноятларнинг 138 таси

ёки 71 фоизи бевосита банк раҳбар ходимлари томонидан содир этилган бўлиб, уларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари оқибатида давлатга жами 2,7 млрд. сўм зарар етказилган.

Қўп ҳолатларда тижорат банкларининг мансабдор шахслари томонидан ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатлар қўзғаниб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш йўли билан кредит ҳамда бошқа пул маблағларини ўзлаштириш жиноятлари содир этилмоқда. Масалан, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Фарғона минтақавий филиали бошқарувчиси А.Ҳакимов бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктириб, 2007-2008 йиллар давомида фуқаро Б.Джурасовнинг номига "Албйон Плюс Транс" ва "ELITE ORBITAL QURILISH" номи хусусий корхоналарни ташкил этиб, ҳужжатларни сохта-лаштириш йўли билан ўзи раҳбарлик қилаётган банкдан жами 850 млн. сўм кредит ажратиб, нақд-лаштириш йўли билан ўзлаштириб юборган.

(Давоми 3-бетда)

ОБУНА — 2010

Хўрматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "НУҚУ" газетаси зиммасига ҳам масъулияли вазифалар юксалмоқда.

Шу маънода, "НУҚУ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай қўрилишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, тахриратимизда йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "НУҚУ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

Обуна бўлишга кеч қолманг!

Нашр қўрилган — 231



ЁНГИН НЕГА КЎПАЙГАН?..

Фақат жарима қўллаш, ундириш билан иш битмайди

Халқимизда, ўт балосидан, сув балосидан асасин, деган гап бор. Ёнгин ҳақида фикр юртадиган бўлсак, вилоят ҳудудида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан содир бўлган ёнгинлар сонин 17,8 фоизга ўсган. Аниқлариси, рўй берган ёнгинлар чоғида 5 нафар вояга етмаган фарзандларимиз ҳалок бўлишган.

Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнгин нazorати тўғрисида"ги 277-сонли Қарори ижросининг текширилган қарорларида таъминланиши аҳоли ўрганиб чиқилди. Ўрганиш ва таҳлил чоғида бу борада қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинаётганини аниқланди. Асосий камчилик шундаки, ёнгинга қарши кураш, унинг олдини олишга оид тарғибот ишлари қонун талаблари даражасида йўлга қўйилмаган.

Тезкор ёнгин-текширувлар чоғида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига Давлат ёнгин нazorати ёзма кўрсатмаларига мувофиқ 48916 та ёнгинга қарши тадбирлар ўтказиш тақдир этилган бўлиб, бу муҳим вазифа 82,7 фоизга бажарилган ҳолос.

Фуқаролар билан яшаш жойларида ёнгинга қарши профилактик тадбирлар ўтказиш келинаётганига қарамадан, ўтган йилнинг шу давридагидан кўп ёнгин ҳолати бўлишига йўл қўйилган. Жумладан, аҳоли турар-жойларида 549 та ёнгин содир бўлган. Бу содир бўлган умумий ёнгинларнинг 91,1 фоизини ташкил этади. Бунга сабаб нима? Профилактик тадбирларнинг кўпичинча юзаси, эски қилишларда, яъни расмийлаштирилган, ҳисобот учун ўтказиб келинаётганиги оқибати бу.

Вилоят ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузган ҳамда ёнгинга қарши тадбирларни бажармаган 1355 нафар мансабдор ва жавобгар шахсларга нисбатан 21 миллион 437 минг сўмга яқин маъмурий жарималар солинган, лекин улардан тулиқ ундириб олиниши таъминлангани йўқ. Бу ҳам етмагандек, фу-

ларнинг қонун талабларига мувофиқ келишини таъминлаш учун протест киритилди.

Ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузганлиги учун бўлинмалар томонидан қўлланилган жойлардаги 795,8 минг сўмлик жарималар давлат фойдасига ундирилмасдан турибди. Фуқрат ва Ёзёнов туманларида шундай ҳолат аниқланди. Фуқрат туманида 7 нафар мансабдор шахсларга қўлланилган 189,1, Ёзёнов туманида эса 11 нафар корхона, муассасалар раҳбарларига қўлланилган 168,2 минг сўмлик жарималар ихтиёрий тўлаш муддатлари ўтиб кетган бўлишига қарамай, ундириш чоралари қўлланилмаган.

Қўлланилган жарима тўғрисидаги бўлинмага тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг ҳаққонийлиги ўрганилганида, 12 та ҳолатда 225,8 минг сўмлик жарима ҳақиқатда бюджет фойдасига тўланмасдан, сохта ҳужжатлар тақдим этилганини аниқланди...

Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ихтиёридаги хизмат автотранспортлари бензин ёқилиши белгиланган меъёрадагидан ортқича сарфланганини ҳам аниқланди.

Маъмур ҳолатда ўтказилган текшириш аяқларини батафсил келтириш имконияти йўқ. Аниқланган барча қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Хулоса шунки, ёнгин хавфсизлиги доир ишлар самарадорлигини ошириш, бу борадаги барча ишларни қонун талаблари даражасига кўтариш керак. Биттагина ёнгин ҳам жамият ва давлат манфаатларига қўллаб зарар етказди. Ҳар бир фуқаро, айниқса, мансабдор шахслар, фарзандларимиз онгидан ёнгиннинг олдини олиш, хавфсизлигига доир тушунча ва вазифаларни чуқур шакллантира олсак, ёнгин хавфи бўлмайди.

Алишер АКБАРОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори
Холиқназар ЖУРАБОВЕВ,
журналист

ЎҚУВ МАСКАНИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бугунги кунда демократик ҳуқуқий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қонун устуворлигини таъминлаш бую мақсадлардан биридир. Президентиимиз раҳнамолигида юртимизда суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Бунинг бугун барчамиз билан, англаб, ҳис қилиб турибмиз.

Ҳозирда барча соҳалар каби ҳуқуқ соҳасида, шу жумладан, прокуратура тизимида ҳам қадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратишмоқда. Зеро, малакали қадрлар тизимининг янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурату-

раси биноси базасида ҳодимларнинг билим савияси ва касб-маҳоратини оширишга мўлжалланган ўқув маскани ташкил этилиб, ўқув-услубий хоналари тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, юридик адабиётлар ва бошқа аниқомлар билан жиҳозланди.

Маъмур ўқув маскани Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ҳодимларининг хизмат вазифаларини самарали бажаришлари учун зарур бўлган билим ва малакага эга бўлишлари ҳамда касб маҳорати ва малакасини оширишга хизмат қилди.

Равшан ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Шу йилнинг 8-10 сентябрь кунлари Тошкентда молиявий разведка бўлинмалари фаолияти масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинар Бутун жаҳон банки томонидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Гиёҳ-вандлик моддалари ва жиноятчилик бўйича БМТ бошқармаси, Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Жиноий даромадлари легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашниш бўйича Евроосиё гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Бош прокуратура вакиллари, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши

курашиш соҳасида фаолият кўрсатаётган бошқа вазирилар ҳамда идораларнинг вакиллари семинарда тингловчи сифатида иштирок этишди.

Семинарни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг жиноий даромадлари легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича ваколатли органининг салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Семинар иштирокчилари дастурга мувофиқ равишда молиявий разведка бўлинмалари фаолиятини ташкиллаштириш бора-сидидаги тажриба андозалар ҳамда илгир тажрибани қўллашнинг назарияси ва амалиёти билан та-нишдилар.

Семинар давомида экспертлар жиноий даромадларни легаллаштириш амалиётини мисолларни, уларни аниқлаш ва терговини олиб боришнинг хоржий мамлакатларда фойдаланилаётган механизмларини намойиш этидилар.

Бундан ташқари семинар иштирокчилари молиявий разведка бўлинмалари, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган бошқа вазирилар ҳамда идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигининг турли йўналишлари ва шакллари муҳокама қилидилар.

Саидабдор ГУЛЯМОВ,
СВОЖДЛКК Департаменти
Халқаро алоқалар бўлими
бошлиғи

Давлат бюджетининг мустаҳкамлиги асосан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишига боғлиқ. Ҳўш, маъмур йўналишдаги фаолият қай даражада йўлга қўйилган? Вилоят прокуратураси солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи Шавкат НАБИЕВ ала шу хусусда сўз юртади.

ИҚТИСОДИЁТ МАНБАИ

— Жорий йилнинг 6 ойида вилоят прокуратураси органлари томонидан солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш борасида жами 210 та текширишлар ўтказилган. Аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида солиқ идоралари ҳамда СВОЖДЛКК департаменти ва унинг қуйи тизимларида 37 та тақдимнома киритилган.

Шунингдек, Давлат солиқ хизмати ва Департамент идораларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва жазо чораларининг қўлланилиши, текширув ҳужжатларини рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш, тааллуқлилиги бўйича бошқа органларга юборишда қонун талабларига риоя қилиш аҳоли ҳар ой текшириб борилиши таъминланган. Бинобарин, ҳуқуқбузарликларга нисбатан тўпланган ҳужжатлар тулиқ ўрганмасдан асосиз маъмурий жазо қўлланилиши, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатлари нотўғри малака-ланаётганлиги, айрим ҳолларда фуқаролар ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилаётганлиги ҳамда бошқа қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.

Ҳисобот даврида бюджетга қўшимча жами 6 миллиард 940,1 миллион сўм маблағ ҳисобланди, ўтган йиллардаги боқиманда қарлар билан биргаликда 5 миллиард 240,6 миллион сўм бюджетта ундирилиши таъминланган.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан бу даврда 33,1 миллиард сўм касса машинасида ўтказилмаганлиги, 21,3 миллиард сўм банк муассасасига топширилмаганлиги аниқланди, 57 та жиноят иши қўзғатилган. Қўзғатилган жиноят ишлари ҳамда ўтказилган тадбирлар натижасида банкка қўшимча 66,8 миллион сўм нақд пул туширилган.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш бўйича жами 12 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди, уларнинг барчаси юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Жами 45173 АҚШ доллари, 1460 Евро, 24170 Россия рубли, 16,3 миллион сўм пул олдинган.

Яширин цехлар фаолиятини фойда олиш ва уларга барҳам бериш борасида ҳам амалга оширилган ишлар натижасида 17 та яширин цех фойда олиш, жиноят ишлари қўзғатилган.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши солиқ тизими фаолиятига бориб тақалар экан, соҳада қонунийликни таъминлашда маъсулиятни унутмаслик керак.

Сухбатдош:
Мохира ШАКАРОВА

"ҲУМО" ВА "ШИРИН КЎДУҚ"ДАГИ "ҲУНАР"ЛАР

Халқпарвар шоир Аҳмад Доний қаламига мансуб "Қайси бир ҳунар, қайси бир касб билан шуғулланмоқчи бўлсангиз ҳам ундан қутилган мақсад ҳалқ учун фойда етказиш бўлсин", деган пурмаёно сўзлар неча замоналардан буюн ўз қадрини йўқотгани йўқ. Негаки, ҳар бир ота-она, эл-улус умид билан вояга етказган фарзандидан эзгулик кутмайди. Халқ учун, Ватан ободлиги, фаровонлиги йўлида қилинган ҳар бир иш баракали, ташланган ҳар бир қадам қутлуғ бўлади.

Истиқлол шарофати билан давлатимиз томонидан фуқароларга талбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилди. Ромитонлик Ўткир Набиев (исм ва фамилиялар ўзгаририлди) ҳам бу имкониятдан фойдаланмоқчи бўлиб, 1999 йилда "Хумо" фирмаси билан "Ширин кўдуқ" фермер ҳўжалиғи тузди. Астойдил ишлади. Кўп ўтмай фирма билан фермер ҳўжалиғининг даромадлари оша бошлади. Табиийки, бундан ҳамма хурсанд эди.

"Энди дўппини ерга қўйиб, бироз ўзимиз ҳақимизда йўлайдиган вақт етди. Бундай ишлайверсак, "ана" деганда "мана" деб, солиқларни тўлайверсак, "коса"ми оқарамиди?" дея мақсадини ҳисобинсига айтиди. Ҳисобчи Манзура Шокирова ҳам бошлиқнинг тақсифи маъқул тушди...

Шундай қилиб, уздабурон раҳбар билан ҳисобчи ишга киришди.

Вилоят ҳўқимлиғи ҳузурдаги ягона бюртмачи хизмати - ижтимоийнинг компанияси бюртмаси билан 2004 йилда Ромитон туман "Нуррафшон" жамоа ҳўжалиғи "Боғча" қишлоғида 75 ўричли қишлоқ врачлик пунктини қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бажарилган ишлар юзасидан тузилган далолатномаларда қурилиш материаллари ва қўрсатилган хизматлар нархи ошириб қўрсатилиб, 8 млн. 777 минг 300 сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинди.

Келаси йили тумандаги "Челонг" ҚФЙ "Газберон" қишлоғидаги таъмирлаш ишларида ҳам юқорида қайд этилган усул орқали 6 млн. 016 минг 800 сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Туман ҳўқимининг фармойишига қўра, туман марказий касалхонасига маъмур қурилишда ишлатиш учун ҳисоб-китобсиз ўтказилган, 30-сонли "Тир" биносини бузишдан олдинган 60 дона бетон плита ҳамда 170 дона ФЦ блокларнинг нархларини далолатномаларга такроран қўшиб, давлатга 12 млн. сўмлик зарар етказилди.

"Халқобод" ММТП корхонаси биносининг таъмирланишида ҳам хизматлар нархи ошириб қўрсатилди. Қарабисчи, 28 млн. 177 минг 430 сўмлик маблағ зумда "эгаси"ни топиб турибди. Бундан ташқари, раҳбар билан ҳисобчининг савй-ҳаракатлари тўғрисида жами 33 млн. 097 минг сўмлик солиқ ва бошқа тўловлар тўланмади.

Ҳўқм ўқиди. Айбдорлар қилишларига яраша жазога тортирилди. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ярим аср умргуздоронлик қилиб, ҳаётнинг паст-баландини яхши қилиш инсон қингирликлари фойда этилган, қилинмаган уяли. Лекин энди кеч. Зеро, қонун чигирини ҳеч кимни аяб ўтirmайди.

Азизбек АХМЕДОВ,
Вобкент туман прокуратури,
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, хусусий очик акциядорлик тижорат "Равнақ банк" бошқарув раиси Д.Махмудов "KAVIANA" МЧЖ мансабдор шахслари билан жиний тил бириктириб, жамият ҳисоб рақамидан қалбаки ҳужжатлар асосида 1,2 млрд. сўм кўчириб, фуқаролар А.Валиев ва Э.Турниёвларнинг номига очилган пластик картчаларга қалбаки ҳужжатлар асосида ўтказиб, 369,6 млн. сўмини ўзлаштирган.

Бундай қонунбузилишлар "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Навоий вилоят бўлими, "Агробанк"нинг Гулбод, Ромитан, Тахиятош, Қамашни бўлимлари ва Гала-осиё, Вобкент, Қораўзақ, Тахтақўпри филиаллари, "Савдогарбанк"нинг Улугбек, "Турон банк"нинг Олот, Сарисосиё ҳамда "Миллий банк"нинг Зарафшон филиаллари мансабдор шахслари томонидан ҳам содир этилган.

— **Ҳукуматимиз томонидан фуқароларни нафақа ва моддий ёрдам пуллари билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб этиш учун катта имкониятлар яратилган. Айтингчи, бу борда ҳам қонунбузилиш ҳолатлари учрайими?**

— Афсуски, айрим тижорат банклари ходимларининг ўз касбига "даромад"ли иш сифатида қараб, фуқароларнинг нафақа ва моддий ёрдам пуллари-ни ҳамда омонатга қўйилган маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Хусусан, "Халқ банки"нинг Фориш филиали хазиначиси М.Қайнаров фуқароларга тарқатилиши лозим бўлган 12,9 млн. сўм нафақа пуллари шайхсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборган бўлса, банкнинг Косон туман бўлими хазиначиси М.Шойманов 11,5 млн. сўм моддий ёрдам пуллари-ни ўзлаштирган.

"Асака банк"нинг Тошкент вилоят филиали ходимлари Ш.Мўминов ва бошқарув фуқароларнинг омонатга топширилган 300,2 млн. сўм пул маблағларини ҳужжатларини сохталаштириш орқали ўзлаштириб юборган.

Шу каби ҳолатлар "Халқ банки"нинг Кейгеи, Фориш, Косон, Муборак туман бўлимлари ходимлари томонидан ҳам содир этилган.

Бу даврда ўзганиш мулкни ўзлаштириш ва талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этган 116 нафар ҳодимларга нисбатан жиноят ишлари қўзғати-либ, айрим жиноятлар юзасидан жазонинг муқаррарлиги таъминланган бўлса, бошқалари бўйича тергов ҳаракатлари да-вом эттирилмоқда.

— **Бугунги кунда тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилган. Шу асосда банклар томонидан тадбиркорларга ёрдам бериш ва уларга кредитлар ажратиш ҳолатлари қандай кечмоқда?**

— Бесоти Президентимизнинг ташаббуслари билан Республикада тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилётган бир пай-тда айрим банкларнинг мансаб-

дор шахслари тадбиркорларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда қонун талабларини бузиб, тадбиркорликни ривожлантириш учун берилиши лозим бўлган кредитларни ажратишда порахўрлик ва таъмагирликка йўл қўймоқда.

Чунончи, "Агро банк"нинг Бишкент филиали мансабдор шахслари "Говинда Фарход", "Самадов Баҳром", "Экспром РУБС" ва "Имкон" хусусий корхоналарига ноқонуний равишда 124,7 млн. сўм кредит ажрати-б, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган ҳамда банк бошқарувчиси Ш.Аширов

пул маблағларини ўзлаштириб юборишган. Бу каби жиноятлар "Ўзсаноатқурилиш банк"нинг Навоий вилоят бўлими, "Агро-банк"нинг Гулбод, "Савдогар-банк"нинг Улугбек, "Турон бан-к"нинг Олот филиаллари хо-димлари томонидан ҳам содир этилган.

— **Шу ўринда, пул маблағларининг банкдан ташқари ай-ланмаси бўйича олиб борилган назорат тадбирлари тўғрисида ҳам тўхталсангиз...**

— Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига чек қўйиш, савдо тушумини

тушган инкасса топшириқнома-ларини ижро қилмасдан, "Ян-гийўлвино" ОАЖ ҳисоб рақа-мига келиб тушган жами 408,3 млн. сўм пул маблағларини бо-шқа мақсадга йўналтириб, бюд-жетга жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Шу каби, "Заргарлик зилол" хусусий фирмаси, "Анфа" ки-чик корхонаси, Жиззах кўприк қурилиш сақлашга ихтисослаш-тирилган таъмирлаш фойдала-ниш корхонаси, Жиззах шаҳар "Сувоқава" корхонаси, "КС" МЧЖ ҳамда "Ремстройсервис" кўп тармоқли корхоналарининг солиқларда бўлган жами 1,5

диг маблағларининг мақсадли сарфланиши назорат қилинма-ган. Шу каби қонунбузилиш ҳолатларига "Агробанк"нинг Тахиятош бўлими мансабдор шахслари томонидан ҳам йўл қўйилган.

Кўрсатилган даврда банк хо-димларига нисбатан мансабга совуққонлик билан қарашга доир 12 та жиноят ишлари қўзғатилган.

— **Хорижий валюта маблағларининг қонунга хилоф равиш-да муомалада бўлиши ва валю-та айриболош операциялари билан боғлиқ бошқа қонунбузи-лишларнинг олдini олиш ҳам-да бартараф этишга қаратил-ган тадбирлар ҳақида дозарб ҳисобланган. Тўғрими?**

— Албатта. Бу масалага ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айтиш жоизки, сўнгги вақтлар-да банк ходимлари томонидан валюта қимматликларининг но-қонуний муомаласи билан боғ-лиқ жиноятларни содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи да-вомида валютага оид қонунбу-зарликларни содир қилган рес-публика тижорат банкларининг 44 нафар ходимларига нисбатан 17 та жиноят ишлари қўзғати-лганлиги ачинадиган ҳолдир. Ма-салан, "Халқ банки"нинг Олот филиали валюта айриболош шохбосчаси хазиначиси И.Раҳ-монов 20 минг АҚШ долларини банк ҳужжатларини қалба-килаштириш йўли билан олиб, қора бозорда сотиб юборган.

Шунингдек, "Халқ банки"-нинг Марҳамат филиали мута-хассиси И.Жўраев фуқаро М.Юсупова, Г.Юнусалиева ва М.Халиловларнинг номларига жами 5750 АҚШ долларини қалбаки ҳужжатлар асосида чи-қиш қилиб, ўзлаштириб юбо-рган.

Бу каби жиноятлар "Асака банки"нинг Шайхонтоҳур, Сергеи, "Халқ банки"нинг М.Улугбек, Чилонзор, Шай-хонтоҳур, Муборак, Бектемир, Қарши, "Миллий банк"нинг Ғазалкент, Мирзо Улугбек, Ҳамза, Учтепа, "Турон банк"-нинг Фаргона, "Ипотека банк"-нинг Шайхонтоҳур ва Ҳамза филиаллари ходимлари томонидан ҳам содир этилган.

Қайд қилинган барча ҳолат-лар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Бундан ташқари, Бош про-куратура томонидан банклар фа-олиятидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида Марказий банкка тақ-димнома киритилди ва ушбу тақдимнома муҳокамаси якуни бўйича 61 нафар банк раҳбар ҳодимлари етгаллаб турган ла-возимларидан озод этилди ва 3 нафар банк ходимларига нисба-тан бошқа интизомий жазо чо-ралари қўлланилди.

Субъектимиз сўнггида шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, юқорида қайд этилган қонун-бузилишлар нафақат банк тиз-мига, балки юртимиздаги икти-содий ислотларга ҳам таъсир этмай қолмайди. Бундай ҳолат-ларга йўл қўймаслик, шу би-лан бирга банк мижозлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, банкларнинг ҳўжалик юритув-чи субъектларга хизмат кўрса-тиш борасидаги масъулиятини ошириш, тўлов интизомини кучайтириш, нақд пул тушу-мининг тўлиқ инкассация қилинишини таъминлаш бора-сидати ишларни янада кучай-тиришимиз лозим бўлади.

Сухбатдош:

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ



кредит бериш эвазига "Экспром РУБС" хусусий корхонаси раҳ-бари Х.Тойировдан 1,5 млн. сўм пора олган.

Шу каби, "Халқ банки"нинг Когон шаҳар филиали бошқа-рувчиси Р.Жалилов "Сиддиқов Наби" фермер ҳўжалигига иш ҳақи учун берилиши лозим бўлган пуллари ўз вақтида бе-риш эвазига 457,9 минг сўм ва кредит бериш учун 2,8 млн. сўм миқдорда ҳўжалик раҳбари Р.Сиддиқовдан пора олган.

Айрим тижорат банклари-нинг ходимлари эса тадбиркор-лик субъектлари ҳисоб рақами-даги пул маблағларини ўзо-шимчалик билан бошқа ҳисоб рақамларга кўчириб, тадбир-корларнинг манфаатларига жи-лдй зарар етказган. Масалан, "Бўстон ҳамкор Шарк" ва "На-вбахор-Н" хусусий корхонала-ри ҳисоб рақамидagi жами 41 млн. сўмлик маблағлар "Ўзсано-атқурилишбанк"нинг Чилонзор филиали бошқарувчиси Ж.Қо-симов ва бош ҳисобчиси М.Қудратовалар томонидан ўзбошимчилик билан бошқа корхоналарнинг ҳисоб рақамла-рига ўтказиб юборилган бўлса, "Ўқтам банк"нинг мансабдор шахслари С.Лутфуллаевнинг розилигисиз унинг ҳисоб рақа-мидаги 570,9 млн. сўм пул маб-лағларининг ноқонуний айлан-масини амалга ошириб, жуда кўп миқдорда даромад олган.

Шу каби қонунбузарликлар "Халқ банки"нинг Бойсун, Уч-қизил филиаллари ходимлари томонидан ҳам содир этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кредит ва бошқа пул маблағларини ўзлаштириш би-лан боғлиқ аксарият жиноятлар банк ходимлари томонидан бошқа шахслар билан олдиндан жиний тил бириктириб содир этилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган даврда Бу-хоро ва Навоий вилоятларида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг мансабдор шах-слари томонидан 5 та шу каби жиноят содир этилганлиги бун-га яққол мисолдир.

Чунончи, "Ўзсаноатқури-лишбанк"нинг Навоий вилоят бўлими ва "Бехруз" хусусий фирмаси мансабдор шахслари ўзаро жиний тил бириктириб, 25 млн. сўм миқдордаги кредит

инкассация қилиш қондаларига риоя этиш, нақд пул маблағ-ларининг банк кассаларига ўз вақтида келиб тушуши ва улар-нинг муомалага чиқарилиши устидан идоравий назорат стар-ли даражада амалга оширилма-ётганлиги оқибатида, аксарият ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул маблағлари банк муасссалари-га топширилмасдан қолмоқда. Хусусан, Бухоро туманидаги "Рафик" хусусий корхонаси то-монидан 2008 йилда махсусот-лар сотувдан тушган 315,7 млн. сўм нақд пуллар банкка топши-рилмаган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иш қўзғатилди, тер-гов жараёнида 125 млн. сўм нақд пуллари-нинг банкка топширили-ши таъминланган.

Биргина Бухоро вилоятида прокуратура органлари томони-дан жиноят ишлари бўйича тад-биркорлар билан ўтказилган профилактик тадбирлар натижа-сига кўра, жами 421 млн. сўм нақд пуллар банкка топширил-ган.

— **Солиқ хизмати органла-ри томонидан қўйилган инкас-са тўлов топшириқномалари ижросини таъминлаш бораси-да банклар томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳолини қандай баҳолайсиз?**

— Тижорат банкларининг айрим мансабдор шахслари то-монидан тегишли қонун талаб-лари бузилиб, ҳўжалик юритув-чи субъектларнинг раҳбарлари билан олдиндан жиний тил бириктириб, солиқ хизмати органлари томонидан қўйилган инкасса тўлов топшириқнома-ларини қасддан бажармасдан, мажбу пул маблағларини солиқ тўловларидан бўлган боқиман-да қарзларга қаратиш ўрнига, бошқа мақсадларга йўналтириб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилмоқда.

Инкасса топшириқномалари ижросини таъминлашда қонун талабларини бузиш ҳолатлари юзасидан банк ходимларига нис-батан жами 29 та жиноят иш-лари қўзғатилган. Жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Янгийўл филиали мансабдор шахслари солиқ ва бошқа маж-бурий тўловларни ундириш учун солиқ идораларидан келиб

млрд. сўм боқиманда қарздор-ликларини ундириш учун улар-нинг "Турон банк" Жиззах ви-лоят филиалидаги ҳисоб рақа-мига қўйилган инкасса топ-шириқномалари банк мансабдор шахслари томонидан қасддан ижро этилмасдан, корхоналар ҳисоб рақамларига келиб туш-ган 6,3 млрд. сўм маблағлар бо-шқа мақсадларга йўналтирилган.

Бу каби қонунбузилиш ҳолатларига "Агробанк"нинг Сирдарё вилоят бошқармаси ва Пискент, Вобкент, Ромитан, Олот, Зомин, Муборак, Янги Нишон, Косонсой туман, "Ту-рон банк"нинг Жиззах, Наман-ган вилоят, "Халқ банки"нинг Элиқалъа, "Универсалбанк", Қўқон бўлимлари, "Қишлоққу-рилишбанк" (собиқ "Ғалла банк") Қашқадарё вилоят, "Миллий банк"нинг Тўйтепа филиали мансабдор шахслари томонидан ҳам йўл қўйилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишла-ри қўзғатилган.

— **Биламизки, банклар то-монидан ажратилаётган кре-дитлар тадбиркорларни молия-вий қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу бор-да банкларнинг кредит хизмат-ларини амалга оширишдаги иш-лари қай аҳволда?**

— Айрим ҳолларда тижорат банклари томонидан кредитлар тўлов қобилиятига эга бўлма-ган шахсларга берилётганлиги ҳамда берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши устидан старли назорат олиб борилма-ётганлиги оқибатида, кредит-нинг қайтарилиши таъминлан-масдан қолган. Масалан, "Агро-банк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси мансабдор шах-слари томонидан "Қорақалпоқ агрошашзапчаст", "Халап жу-сан", "Нукус сўт" масъулият чекланган жамиятлари ва "Ну-кус наво" хусусий фирмасига берилган жами 135,3 млн. сўм кредит пул маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъ-минлаш чоралари қўрилмаган бўлса, "Ипотека банк"нинг Сур-хондарё вилоят филиали ман-сабдор шахслари томонидан "Сохтмон" хусусий фирмасига берилган 8,7 млн. сўмлик кре-

Бир суз билан айтганда, масъул шахслардан барча жазодан озод этилганларнинг сиҳат-саломадлиги ва уларни ишга жойлаштириш ҳамда ҳаётга мослашуви масалаларида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари талаб этилади.

М.ЭРМАТОВ,
Жиззах вилоят прокурори
Ўқибосари

Одатда инсон йиллар ўтиб, ёши бир жойга борадими анча сермулоҳаза, қўяётган ҳар бир қадамини ўйлаб босадиган бўлиб қолади. Чунки унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари кенгайиб, навқирон йилларида йўл қўйган хатоларидан ўзи учун хулосалар чиқариб олишнинг вақти етган бўлади.

Бироқ шундайлар ҳам учраб турадики, уларнинг ёши бир жойга бориб қолганида феъли айниқди. Ўз хатти-ҳаракатларини ислоҳ этиш ўрнига мол-дунёга муҳаббати ортиб, нафсига эрк бериб қўяди. Турган гапки, шайтоний нафс каттаю кичикни бирдай жиноят қўчасига бошлайди.



барлик қилаётган МЧЖга қарашли "Газ 31029" автомашинасига тегишли давлат рақамини олиб олди.

Бундан ташқари у ўзи раҳбар бўлган "Агроинжестек" МЧЖ балансида турган автоуловлар учун йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармасига тўлиниши лозим бўлган турли мажбурий тўловларни ҳам "Ипак йўли" №2 банкнинг қалбаки штамп-орқали "амалга оширган".

Уттан йилининг кузида "қаҳрамонимиз"нинг гилдираклари вагонча ишчи тушиб қолади. Албатта, қўша-қўша хориж автолари олдида вагонча нима деган гап? Бунақа вагончалардан эшалондаб сотиб олишга унинг қурби етган бўлар эди. Аммо у чиким қилишга одатланмаган, текин келган нарсасига нима етсин!

идлаолар билан қўнғирқоқлар қиладиган одат чиқаради.

Жумладан, у металлургия комбинати бўйича қўзғатилган жиноят иши терговини олиб бораётган орган раҳбари қабулхонасига телефон қилади. Аммо раҳбар билан гаплашишнинг иложи бўлмагач, инспектордан тергов жараёни ҳақида маълумот олмоқчи бўлади. Лекин мақсадига эришолмайди.

Жаноб Сарыханов мазкур идорарага юқоридаги масала юзасидан кейин ҳам қўнғирқоқ қилади. Ўзини давлат бошқарув органи масъул ҳолими сифатида таништириб, тергов ишларига аралашинишга уриниб кўрган бўлса-да, мақсадига эриша олмаган.

Жаноб Сарыханов одамларга "хोलис хизмат" қилиб туришни ҳам хуш

ўзари келишмовчилик оқибатида у "ҳамхонаси" тан жароҳати етказди. Шундан сўнг жабрануви А.Бакирова аввал шифохонага, сўнг ҳуқуқ-тартибот органига мувожаат қилган. Иш жиддий кўриниш олиб, судга бориб етди.

Ана шунда К.Сарыханов яна "ўз усули" бўйича иш қўришга киришди. Яъни, ЖКнинг 105-моддаси бўйича айбланаётган К.Сарыхановнинг давлат бошқарув органида масъул лавозимда ишловчи таниши сифатида судлов органига телефон қила бошлайди. Аммо унинг хунари иш бермайди. Тезкор тadbир давомида "юқоридан" қўнғирқоқ қилаётган "амалдор" жиноят устида қўлга тушибди.

Дастлабки тергов давомида, уйи ва ишхонасида ўтказилган

СОХТА АМАЛДОР

хати ва икки томонлама шартнома нусхасини ҳам илова қилади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бу қўзғаб-мачиликка унга "Torsvik MNM"нинг қалбаки муҳри жула асқотлади.

Божхона ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида К.Сарыханов "Ипак йўли" №2 банкнинг қалбакилаштирилган штампидан фойдаланади: гўёки, божхона назорати тўловлари тўланган...

Расмийлаштириш жараёнида шу тариқа ўйин қилган жаноб К.Сарыханов кейинги босқични ҳам пухта режалаштириб қўйган экан: у "Фишт кўприк" божхона комплекси орқали "Мерседес-Бенс S 400L"ни Козогистонга олиб ўтади. Қўшни республика давлат автомобил назорати органи томонидан ушбу автомашина рўйхатга қўйилиб, давлат рақами берилади. Кейин...

Кейин уша "мерс" божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали республикамизга олиб кирилади.

Аммо "иномарка"га ўч жаноб Сарыханов бу билан ҳам қаноатланмаган экан. Энди у қозогистонлик ҳамтовони Эльдар Нифталиев билан "Тойота" операциясига қўл уради.

Улар "Сирдарё" божхона пости орқали Козогистондан республикамиз ҳудудига "Тойота РАВ 4" автомашинасини бир ой муддат ичيدا олиб чиқиб кетиш мажбурияти билан киритишлар. Аммо белгиланган муддат тугаб кетган бўлса-да, олиб чиқиб кетишмаган автомашинада Козогистон Республикасининг Х 219 УФМ давлат рақами ўрнида Ўзбекистон Республикасининг 10 АН 103 давлат рақами пайдо бўлади. К.Сарыханов "Тойота"га ўзи раҳ-

Шу сабаб К.Сарыханов бировнинг мулкни ўзлаштириш, солда қилиб айтганда, ўғирликдан ҳам тал тортмаган. 2008 йилнинг октябрида Б.А. исми юл автоуловлар ҳайловчисини ёллаб, Бўстонлик туманидаги Юбилейное қишлоғидан нархи 1.500.000 сўм турадиган гилдиракли вагонни олиб келишни тайинлайди ва қўлга "Агроинжестек" МЧЖ муҳри урилган оқ хати беради. Бу юл хатининг қалбаки эканигидан хабарсиз автоулов ҳайловчиси Бўстонлик томон йўл олади. Аммо К.Сарыхановнинг бу "афераси" ниҳоясига етмай қолади: юл автоулов вагончани шатакка олиб келаётганда ярим йўлда бузилиб қолади.

Бу орада, куппа-қундузи вагонини ва унга қўшиб унинг ичидати жиҳозларни ўғирлаётган вагоннинг эгаси ҳуқуқ-тартибот органига мувожаат қилади.

Ҳар куни божхона назоратини четлаб ўтишга қанча-қанча ҳаракатлар бўлади, ўғирликлар содир этилади. Демак, К.Сарыханов ҳам бошқа жиноятчилардан фарқ қилмас экан-да, дейишга шошилманг.

Хўш, унинг жиноий фаолиятидаги "ўзига хослик" нимада қўринадилар? Қинғир йўллар билан ортирган даромадига, таниш-билишлари сабаб, жаноб Сарыханов ўзига бино қўйди. Дуч келган одамга ўзининг казо-казо танишлари ҳақида гапираверганидан, бора-бора ўзини ҳам баломат санай бошлайди.

Авалгига қандайдир танишларнинг номини сотиб судлов ва тергов органларига босим ўтказишга уриниб кўради. Бу билан ҳам қийонланмай, ўзини давлат бошқарув органининг масъул мансабдор ҳолими сифатида таништириб турили идораларга, турлича

қўрадиғанлардан экан. Гап шундаки, олдий кунларнинг бирида автомашинада кетаётган "қаҳрамонимиз"ни кичик қондабузарлиги учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолими тўхтади. Сохтарқилини касб қилиб олган Сарыханов ёнида бўлган қалбаки гувоҳнома билан жарималдан қўтулиб қолишга ҳаракат қилади. Ёшининг улуғлиги, бунинг устига димоғдорлик билан қизил гувоҳнома кўрсатгани сабабидан инспектор муроас қилган бўлади.

Шундан сўнг, жаноб Сарыхановнинг "одамгарчилик" қилгиси келадими ёки мўмай пул ишлаб олгиси келганидими, инспекторга муаммолари бўлса ёрдам бериб юбориши мумкинлигини айтади. Шундай "улуғ" одам ёрдам қилини қўзиб турганда фойдаланиб қолиш ҳаракатига тушган инспектор уқасининг ички ишлар идорасига ишга киришга қўмак беришни сўрайди.

Шундан сўнг К.Сарыханов тегишли идора раҳбарлигига телефон қилиб "фалончиси"ни ишга қабул қилиш масаласини ҳал этиш"ни талаб қила бошлайди. Турган гап, бу сафар ҳам ўзини давлат бошқарув органи ҳолими сифатида таништирилади. Аммо унинг бу сафарги уриниши ҳам бесамар кетади. Сабаби, у номини сотган раҳбарни мазкур идора раҳбари шахсан танигани бос, қўнғирқоқ қилаётган шахс бошқа эканлиги фож бўлиб қолади.

К.Сарыхановнинг навбатдаги қилмишига тўхталишдан олдин бир масалага ойдинлик киритиб ўтишимиз жоиз.

Авалд айтиб ўтганимиздек, К.Сарыханов оилаи. Аммо у Анна Бакирова исми аёл билан ўн йилдан буён расмий никоҳсиз яшаб келган. 2008 йилнинг 30 сентябри кун

тинтувлар натижасида унинг бошқа қилмишлари ҳам очилиб қолди. Жумладан, К.Сарыханов ўз уинда ноқонуний равишда ўқотар қўроқлар ва ўқ-дор қасқаб келгани маълум бўлди.

Шунингдек, унинг иш кабинетидан бир неча фуқаролик паспортлари топишган. Аниқланишча, "Агроинжестек" МЧЖ бош директори К.Сарыханов республикамизнинг турли вилоятларидан келган қўлаб фуқароларни ишга ёллаб, уларни алдаб фуқаролик паспортларини олиб қўйган. Қайтаришни эса "унутди" қўйверган. Ўз паспортни ва хизмат ҳақини талаб қилган фуқароларни "тегишли жойларда ишловчи" танишлари ҳақидаги чўпчаклар билан алдаб, қўққиртиб юрган.

Шу тариқа у фуқаролар Х.Бойтўраев, Н.Боймуродов, Ж.Негматов, О.Пўлатов, А.Атхамов, А.Хамроқулов, Б.Қодировларнинг паспортларини ноқонуний равишда олиб қўйган ва тергов кунига қадар уларни эгаларига қайтармаган. Пойтахтга пул топши мақсадда келган йигитларни паспортидан маҳрум бўлган аҳволда бир тасаввур қилиб қўйинг-чи.

К.Сарыхановга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 248-моддаси 3-қисми, 182-моддаси 2-қисми ва бошқа бир қатор моддалари билан айб ёзлон қилиниб, судга оширилади.

Ҳар қандай қондабузарлик, фирибгарлиги муттаҳамлик жазосиз қолмайди. Қибру ҳавога берилиб қатор жиноятлар содир этиб келган К.Сарыханов суднинг ҳукми билан тегишли жазосини олади.

М.МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбасари

Нафс ҳақида гап кетганда атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Муликнинг "Одамилик мулки" китобидаги қўйилган фикрларини келтиришни жоиз деб ўйлаймиз:

"...Аллоҳ одам наслидан улутроқ бўлган фаришталарни нурдан яратди. Уларга ақл ва илм берди. Бирок нафс бермади. Нафс ладзатини, яъни смоқ-ичмоқ, оила қурмоқ... қабиларни бермади. Аллоҳ одам зотидан паст жониворларга ҳам худди инсондайлиги қўз-қулоқ, ўпка-жигар, юрак... берди. Бу жониворларга нафс ҳам

ноярга қўл ураётганлар ҳам учраб турибди-ки, булардан қўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун фуқароларимизга маълум даражада тибрат бўлар деган ният билан ана шундай мисоллардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Фуқаро Гузал Жўраева Анрендаги туруқхонага ишга кириш тарафидида бўлиб, ким бу юмолда унга ёрдам беришни билмайла доғда эди. Бахти бор экан, ёрдам берувчи тезла топилди. Шаҳар марказий шифохонасининг бош враччи вазифининг вақтинча бежарувчи лавозимда ишлаётган Б.Ҳабибуллаев уни ҳамши-

нага қабул қилиш эвазига бор-йўғи 500 АҚШ доллари сўради. Талабдордан айтилган суммани хизмат хонасида олган вақтда орган ҳолимлари кириб келишди.

Буюро вилоти Коровулбозор туман марказий касалхонасининг бош враччи Х.Ҳайитов антрелилик ҳаммасига қараганда анча "виждонлироқ" чиқиб қолди. У фуқаро М.Нуралиевани касалхонага тиббий хизматчи вазифасига ишга қабул қилиш эвазига 250 минг сўм сўради. Фақат Х.Ҳайитов "хизмат ҳақи"ни хонасида эмас, шахсий автомашинасида олган вақтда унга "халат" беришди.

Қашқарде вилоти бош тиббий меҳнат экспертизаси бош тиббий меҳнат эксперти комиссияси 1-таркиб жарроҳ эксперти 3.Каттаевнинг

эса "қўнгли анчайин бўш" экан. Йўқса, Шаҳрисабз шаҳрида истиқомат қилувчи Б.Ражабовдан "мехр"ини аярмиди? У Ражабовнинг касаллиги билан 2-турху нопротилитига чиқариш мумкин эмаслигини билса-да, нопротилитика чиқариш учун ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига ёрдам беришни ваъда берди. Эвазига эса 100 минг сўм сўради ва пулни олаётганда...

Андижоннинг Жалолқудуқ туманидаги кўп тармокчи марказий поликлиникада онколог врач бўлиб ишлайдиган А.Абдуллаев онасини

нонгротилити туруқхонага ўтказиш мақсадига тегишли ҳужжатларни тақдим этган фуқаро Ф.Қамбаровни кузатиб, ўйлашиб қолди... Нима ҳақда ўйланганини эса Ф.Қамбаров кейинги сафар келганида ошкор этди. Унинг айтишича, ишни ижобий ҳал қилиш учун туманлараро Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси аъзоларига 200 минг сўм бериши лозим эмиш. Ваҳоланки, онданонинг ҳамма ҳужжатлари жойида бўлиб, ТМЭК томонидан нопротилити туруқхонага тайинлаш мумкинлигини у яхши билар эди. Худлас ўғил врач А.Абдуллаевга 160 минг сўмини келтириб берди. Бироқ врачнинг хурсандчилиги узоққа бормай...

Оққўрғон тумани кўп тармокчи марказий поликлиника психиатри А.Отажонов эса, бе-

морин касалхонага жойлаштирмасдан ва текширмасданок нопротилити туруқхонага ўтказиб беришнинг ҳадисини олиш ҳаракатига юрганлардан экан. У шундай ваъда қилиб, Ё.Сулaimонов билан унинг қариноши Ф.Айтиметовдан 500 минг сўм талаб қилган. Қўп ўтмай хизмат хонасида ўн талаб қилган пул олганида уни тўхтаптиб қолди.

Янгийўл шаҳар акушерлик бўлими бош шифокори Ш.Авезова фуқаро Н.Жорбаевдан туруқхонага жойлаштириш талабига қўнғирқоқ қилиб, 200 минг сўм талаб қилган. Қўп ўтмай хизмат хонасида ўн талаб қилган пул олганида уни тўхтаптиб қолди.

Ачинариш шундайки, бундай мисолларни яна келтиришнинг мумкин. Бироқ, юқориди айтганимиздек, ариман даромадни дея элурт олдиди юзи шувит бўлган бундай юртдошларимизга ачинаришдан ўзга чорамиз йўқ. Ваҳоланки, уларнинг барчаси олтий маълумотли тиббиёт ҳошимлари. Аксариятнинг эса, бу соҳида анча-мунча тажрибаси ўзига яраша ҳурмат-эътибори ҳам бор эди. Аммо улар содир этган хатти-ҳаракатлари жиноят таркиби мавжуд. Жиноят эса жазосиз қилиришмайди. Зеро, ҳар қандай жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципи жазо қонунчилигининг ўқ илдизини ташкил этди.

Ғайрат МУҲАММАДИЕВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори
Ғафуржон АЛИМОВ,
"Huquq" мухбири

МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДИР...

берди. Аммо ақл ва илм бермади. Нафс учун уларда жавобгарлик йўқ. Нафс улар учун фақат тириклик манбаи. Улардаги нафс ҳукмдорлиги чегараланган: сизгир қўйни бурдалаб ташлашга қолдир қўнча эга бўлса-да, бу ишни қилмайди, чунки унинг нафси гўшт талаб қилмайди. Инсоннинг нафс бораида ҳайвонлардан улуғлиги ўз нафсини илора ва тарбия қилиш қўнча эга бўлиши билан белгиланади.

Дарҳақиқат, инсон боласи нафси туфайли яхши ёб-иштини, кайф-сафо қилишни, ҳузур-ҳиловатни, бой-бадавлат бўлишни хоҳлайди. Бу йўлда тиним билмайди, ўзини ўтпа-чўққа уради. Нима бўлганда ҳам нафси ором ола бўлгани...

Аммо, афсуски айрим ҳолларда нафсининг қўйига тушиб, арзимаган даромадни деб жи-

Азал-азалдан рўзгор ташвишлари-ю оила моддий эҳтиёжларини қондириш оила бошлиғи — отанинг зиммасидаги вазифа бўлган. Бирор ишнинг бошини тутмаган, касб-қоши бўлмаган оталар учун эса бу вазифани ундаш мушкул.

Дангара туманида яшовчи фуқаролар М.Бобоназаров, М.Мелибоев, З.Юлдашев ва А.Кузислар ҳам рўзгор ташвишларидан бошлари қотиб юрган кезларда уларга Қўқон шаҳрида яшовчи Малоҳат Аҳмедова рўпара бўлди.

— Қозғистонда иш бор, қурилиш иши. Хўп десанглар, у ердаги танишларим билан тағлашиб кўраман. Ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришади. 500-600 минг сўмдан ҳақ оласизлар. Йўл харажатларини ўзим кўтараман. Дарвоқе, иш бошлаганларингдан кейин 50 минг сўмдан аванс ҳам оласизлар, — деди у озғини тўлдириб.

Қўлдан бўён қўллари мўмай пул кўрмаган тўртовлон дарҳол унинг тақдирига рози бўлишди. Аммо Малоҳатнинг шайтонга ҳам даре берадиган аёл эканлиги ҳаёларига ҳам келмади.

— Эртага жўнаймиз. Тайёргарлик кўринглар, — дея ҳафта охирига етмай хабар берди Малоҳат.

Улар белгиланган кунни йўлга чиқибди. М.Аҳмедова "мижоз"ларини Фароғат исмли шериги билан Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтувчи, айланма йўллар орқали Қозғистон Республикасига олиб ўтди. Уларни Анорбой билан Мухтор исмли йигитлар кутиб олишди. Сўнгра Сарағоч туманига келиб, паспортларини йиғиб

Муқаддам гиёҳванд воситаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятини солид қилгани учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган Равшан Матёқубов бир қатор "амнистия" фармонларига кўра 2003 йилда жазодан озод қилинган эди. Бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқариб, бироз вақт қонунни бузмай юрди, ҳалол ишлаб, оиласини тебратишга ҳаракат қилди. Қозғистонга бориб, қурилиш ишларида ишлади. Озми-кўпми оиласига пул юбориб турди.

Бир гал Р.Матёқубов Қозғистон Республикасига кетаётиб Тошкент шаҳридаги "Ипподром" бозорида Зокир Тажимуратовни учратиб қолди.

— Қозғистонга ишга кетаёпман, — дейди у З.Тажимуратов билан ҳол-аҳвол сўрашган.

— Унда мени ҳам бирга олиб кет, — илтимос қилади З.Тажимуратов.

Шу кунни улар чегарадан ўтиб, Қозғистоннинг Узуун оғач туманига етиб боришди. У ерда гурланлик йигитларни Елена Юрьевна исмли аёл кутиб олади ва "Оқ қайнар" қишлоғига олиб боради.

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Ёлланма ишчилар қишлоқдаги умумтаълим мактабини қайта таъмирлаш ишлари билан шуғуллана бошлашди. Елена Юрьевна уларнинг фуқаролик паспортларини олиб, вақтинчалик рўйхатга қўйиб келди.

— Иш тутанганча паспортларингиз менда туради, — деди рус аёли.

Мактабда икки ой меҳнат қилиб, таъмирлаш ишлари тутангандан кейин уларнинг ҳар бирига 400 АҚШ долларидан иш ҳақини ҳисоблаб берди. Шунингдек, Қозғистонга келиш харажатларини ҳам тўлади. Хуллас, ҳаммаси қўнғилдагидек бўлди.

Гурланга қайтиб келганларидан беш-олти кун ўтгач, Равшанбек Зокирни уйига чақиртирди.

— Борган жойимизда ишлаш учун яна 5-6 бола топиш керак, — деди у.

— Ҳа, бирга кетмоқчи бўлиб юрган болалар бор, — деди Зокир.

Улар Санжар Юлдошев, Неъмат Тангиров, Бехзод Тажимуратов, Роман Бекметов, Зокир Тажимуратов, Музаффар Холмуратов, Самандар Азевос, Шарифбой Бектемиров, Отабек Матёқубов, Зоҳиджон ва Азимбой Уразметовларни Қозғистон Республикасида ишлатиш учун ёллайдилар.

олишди-да, ўзларини Чимкентдаги қурилиш фирмаларидан бирининг раҳбари бўлмиш Бибит исмли қозғист йигитга топширишди.

Буни қарангки, шу ерга келганда Фароғат билан ғойиб бўлди. Кейинроқ Малоҳат ҳам жуфтани ростлади. Йигитлар шундагидан алданганликларини тушунишди. Устига устак кеч кузгача маошдан дарак бўлмади.

ВИЖДОННИ ПУЛЛАБ...

— Ақчаларингни Малоҳатқа бериб жуборганман, — деди Бибит безрайиб.

Жабранувчилар Бибит Малоҳатга берган пул эвазига ишлаб беришгандан кейингина юрти-мизга қайтишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қилган мурожаатлари туфайли тез орада М.Аҳмедованинг кирдикорлари фож этилди.

Одам савдоси жиноятига қўл урган разил кимсалардан яна бири Сўх туманида яшовчи фуқаро Раҳматжон

Тўраевдир. Аниқланишича, Р.Тўраев Россиянинг Иркутск шаҳрида бўлган ўғли Ж.Тўраев билан келишиб, 2007 йил декабрдан 2008 йилнинг апрель ойи охиригача Тошлққ туманида яшовчи 41 нафар фуқарони "катта маошли қурилиш ишларида ишлайсизлар" дея аллайди ва Қозғистон Республикаси орқали Иркутск шаҳрига жўнатади. Ўғли эса Россия фуқароси Ф.Маҳмад-

таъминланган жамиятимизда содир этилган ҳар қандай жиноятга жазо муқаррардир. Шу боис ҳар икки жиноят иши бўйича ҳам айбдорлар қилмишларига яраша қонуний жазога тортидлар. Шу билан бирга улардан жабранувчиларга етказилган моддий зарарлар ундириб берилди.

Бош қомусимизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний

бир ёрқин намунаси бўлди. Бинобарин, одам савдосидан жабранланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан итти-сослаштирилган муассасалар ташкил этилганини эътироф этиш лозим. Бу муассасаларнинг асосий вазифаси одам савдосидан жабранланганларга қўлай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини яратиш, уларни озиқ-овқат, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, шовилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаш, қариндош-лари билан алоқа ўрнатишларига кўмаклашиш, ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашишдан иборат.

Айни пайтда жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан ҳам маъмур масалага алоҳида масъулият билан ёндошилмоқда. Лекин энг ачинарлиси, одам савдосидек жирканч иллат билан ўз юртдошларимиз, яъни жабранувчиларга ҳамшаҳар, ҳамқишлоқ ёки маҳаллалаш бўлган кишилар, ҳаттоки, яқин қариндошлари ҳам шуғулланишмоқда. Миллатдоши, юртдошини бегона кимсаларга пуллашини касб қилганлар виждонини ва иймонини сотган, инсон деган юксак номга доғ тушираётган кимсалардир.

Бахтиёр ТАВAKКАЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Фарғона
вилоят судининг судьяси.
Хуришд СУЛТОНОВ,
журналист

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Собир Раҳимов туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фож этишга қаратилган тезкор тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Одам савдосига қарши курашишда давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳамда одам савдосига имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича миллий тадбирлар режаси бандларининг ижроси юзасидан назорат ўрнатиш чора-тадбирлари белгиланган.

Агар 2008 йилда туманимизда одам савдоси билан боғлиқ жами 4 та ҳолат аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган бўлса, жорий йилда 2 та ана шундай ҳолат бўйича айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми ва 223-моддаси 2-қисми билан айбланган фуқаро Б.Ментгаровга нисбатан юритилган жиноят иши бўйича унга нисбатан эҳтиёт чораси тариксида қамоқ қўлланилган ҳолда иш кўриб чиқиш учун судга юборилган эди. Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов тумани судининг ҳукмига асосан Б.Ментгаровга нисбатан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Жами 15 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан турли хил йўллар билан хорижий мамлакатлар ҳудудларига олиб чиқиб кетилган бўлиб, шулардан 13 нафари мажбурий меҳнатга жалб қилиниб, 1 нафаридан шахвоний мақсалларда фойдаланилган, жабранувчиларнинг 4 нафари эркак, 10 нафари аёлларни ташкил этган, уларнинг 6 нафари эса вояга етмаганлар бўлган.

Мухими, одам савдосига қарши курашиш бўйича туман ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий комиссия ва мутасадди идоралар томонидан одам савдосидан жабранланган шахсларга ижтимоий кўмак бериш чоралари кўрилди. Бу борада кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда тушунтириш ва тарғибот ишларининг давом эттирилиши қўзланган натижаларни беради.

Мухторжон ШОДМОНОВ,
Собир Раҳимов туман прокурорининг ўринбосари



— Менинг бу ерда бироз ишларим бор, — дейди Р.Матёқубов. — Елена Юрьевнага тайинлаб қўйганман, сизларга иш беради. Қозғистонда ишлаб юрган укаларим сизларни кутиб олади. Мен кейинроқ изларингиздан етиб бораман. Йигитлар йўлга тушиб, айтилган жойга етиб боришди. Улар декабрь ойигача ишлашди ва Р.Матёқубовдан иш ҳақларини талаб қилишди. "Сен билан келган болалар ўғирлик қилишди, менинг берган тузимга ту-

пуришди, энди мен сизларга бир тийин ҳам бермайман", — дейди Елена Юрьевна. Аслида эса бу иш ҳақини тўламаслик учун бир баҳона эди.

Судда кўрсатма берган жабранувчилар ҳозирги пайтда Равшан Матёқубовдан иш ҳақларини тўлақ ундириб олганликларини билдиришди. Фақат Самандар Азевос иш ҳақини ололмаганлигини айтди.

Судланувчи Р.Матёқубовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ноқонуний тартибда ўтмаганман ва йигитларни алдаб Қозғистонда ишлатмаганман", деб берган кўрсатмалари ишонсиз деб топилди.

Жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди томонидан Равшанбек Матёқубов ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми ва 223-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни солид қилганликда айбли деб топилди ва беш йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, судланувчилар жабранувчи Самандар Азевос фойдасига 1,1 миллион сўм ундириш бўйича ҳукм чиқарди.

Максим АЛЛАМУРАТОВ,
Гурлан туман прокурори
Фарход МУХАММАДИЕВ,
журналист

Одам савдоси асримизнинг энг мудҳиш жиноятлари сирасига киради. Бундай қабих жиноятга қарши курашиш давримизнинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб қолмоқда. Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан одам савдоси қурбонларига айланган фуқароларни аниқлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, иш билан таъминлаш масалалари доимий назорат остига олинган.

Ўз ватандошларини чет элдаги қорчалонларга сотиб юборишдан даромад олишни одат қилган шахсларнинг пайдо бўлиб қолаётгани, бу шахсларнинг маънавий қиёфаси нақадар жирканч тус олиб бораётгани гоётада таъвишланарли ҳолдир. Шундай шахслардан ҳисобланувчи Қ.Елмуродов уч нафар ҳамюртини қозғосгонлик номаълул шахсга сотиб юборган бўлса, М.Имомқулов ўзининг икки нафар танишларини Россия Федерациясидаги жиноий шерикларига сотиб юборган. Бироқ бу икки жиноятчилар жазодан қочиб қутила олишмади. Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди ҳар иккала жиноятчида ҳам қонунда белгиланган жазо чораларини тайинлади.

Одам савдосидек жирканч жиноятга аёллар қўл ураётгани, бу жиноят қурбонлари ҳам аёллар бўлиб қолаётгани ҳоллар ҳам тез-тез учраб турибди. Опа-сингил Гузал ва Камила Худойшукуровалар О.Т. исмли қизни "Сени Россияга ишга олиб кетамиз. У ерда сен рақс тушиб, яхши даромад топасан" дея алдаб Москва шаҳрига олиб боришди. Опа-сингиллар у ерда Бахрайндан келган "Мара" исмли аёлга ўз қурбонларини 8000 АҚШ доллари эвазига сотиб юборишган. Куйида, ана шундай

бўлмасин, у Москвага олиб келган "маҳсулотлар" тез ишдан чиқар, янги-янги "товар"лар учун эҳтиёж ортиб бораверар эди. У қўшмачилик касбини кенг қўламда ташкил этишга киришди. Шу мақсадда ҳоласи Дилбаҳорни чақирди. Фаолият доирасига қўра Дилрабо қизларни турар-жой ва иш билан таъминлар, шериги эса Сирдарё вилоятида дайдиб юрган енгил табиат аёлларни бир жойга тўплаб, сўнгра ўз ҳисобидан Москва шаҳрига, Дилрабонинг ҳузурига жўнатар эди. Олимаҳон (исмлар ўзгартирилган), Шириной, Турсуной, Насиба, Севара, Моҳира ва Зухра исмли қизлар гўёки кафе-барда официантка бўлиб ишлаш учун Москва шаҳрига жўнатилди. Ижарадаги уйга етиб келишганда уларнинг паспортлари олиб қўйилди. Ўзлари эса шундоқ ҳам тор-танқис хоналарда тиқилиб яшаётган бир тўп танфурушлар қаторига қўшилишди.

- Сенларни бу ерга олиб келгунимча, анча харажат қилдим. Йўл кира, ижара ҳақи учун икки ой текинга ишлаб берасанлар! - деди Дилрабо қизларга, — миқ этганинг билан эса бошқачасига гаплашиб қўяман!

Қизлар қарашсаки, икки ой давомида текинга "ишлаб" бе-

ҳам уларнинг ўтини ўчириб қўйганиданми, эртага мижозсиз қолишдан қўрқибми ёки фоҳишаларнинг ўзaro бирдамлигиданми?!

Дилрабо балки шу сабабларга қўра узок вақт ўзининг фоҳиша-бозлик фаолиятини олиб борди ва кенгайтирди. Бироқ, унинг "синдикати" бир фоҳиша сабаб синди: Нилуфар исмли фоҳиша қиз Соҳибанинг гапларига лаққа тушиб Москвага - Дилрабонинг олдига чоғланди.

Соҳиба эса телефонда гаплаша туриб қовун тушириб қўйганини сезмай қолди. Нилуфар Москвада сув текин ишлаб бериши кераклигини эшитиб қолди. У жанжал қўтариб ўртадаги "шартнома"ни бузишга чоғланди. Соҳиба ҳам анойилардан эмасди. Самолётга чипта аллақачон олиб қўйилган. Нилуфарни одамбашара қилиш учун ҳам анчагина пул сарфланган эди. Бундан ташқари Нилуфар-



Маълумки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ўз хусусиятига қўра, латент харақатга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий таъйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишдан ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишдан қўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бу ўз навбатида одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қўтилиб қолишига ҳамда жиноий фаолиятини давом эттиришга олиб келади. Шу боис, дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиҳдий эътибор қаратилиб, бу тадбирда давлат идоралари, қолаверса, жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари кенг жалб этилмоқда.

Мамлакатимизда ушбу

жиноятга қарши курашиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аввало, ушбу жиноятларга барҳам бериш учун етарли ҳуқуқий база шакллантирилди, десак муболаға бўлмайди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида жиноий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, бу борада халқаро ҳамкорликни ҳам мустаҳкамлашга эришилган. Давлатимиз БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга 2003 йил 12 декабрда қўшилди.

Шу билан бирга 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши билан мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилди. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш бўғини қўнғати долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 10-моддасида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилиши ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, психологик, тиббий касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, қолаверса, вақтинчалик тураржой бериш каби қатор вазифалар белгиланган бўлибди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этилди. Ушбу қарорга асосан Республика Идораларо комиссияси таркиби тасдиқланди. Шунингдек, қарорда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Албатта, ташкил этилган бундай муассасалар одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, уларнинг жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин аъзоси эканлигини ҳис этиб яшашида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдига жавобгарлик муқаррарлигини англаб етиши айниқса муҳим.

Дилшод МУХТАРОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокуратураси терговчиси

МОСКВАДАН ҚУРУК ҚАЙТИШДИ...

жирканч йўл билан бойиш йўлида ҳар қандай қабихликдан қайтмаган яна бир уюшган жиноий гуруҳ фаолияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Бир неча хоналардан иборат уй, уйнинг катта хоналари пардалар билан бир неча каттакларга бўлиб қўйилган. Ақчимтил ҳид димоққа урилади.

Гулистон шаҳрининг деҳқон бозорига туташ қўчаларидан бирида жойлашган исловатхонанинг умумий кўриниши ана шундай.

Гулистон шаҳар ИИБ ахлок доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектор Суҳроб Шарипов ва инспектор Марат Жақиббаевнинг гапларига қараганда 2009 йилнинг ўтган ойида шаҳар бўйича шундай фоҳишахоналардан 5 таси аниқланган, уларга нисбатан қонун доирасида чоралар кўрилган.

Яқинда енгил ҳаётни танлаган бир гуруҳ олимчалар чет элда доллар ишлаш вазасасига тушиб, олис Москва шаҳрига йўл олишди. Бироқ текин пишлоқ фақат қопқонда бўлишини ақли пастга тушиб кетган фоҳишалар қайдан билинсин? Уларнинг айнан шундай камчиликлари Дилрабога қўл келди. У бир тўда енгилтабиат қизларни Москва шаҳридаги ижарага олган уйига олиб бориб, ўз фаолиятини бошлаб юборди. Бу борада Дилрабо қанчалик ишбилармон

ришларига тўғри келаяпти, бу уларнинг бозорлари тезда касодга учрашидан далолат беради. Бу ҳолга Олимаҳон дегани чидаб тура олмади ва қайсарлиги унга қимматга тушди. Фоҳишахонанинг "қўриқчи, тартиб сақловчиси" вазифасини ўтаётган Дилрабонинг "эри" Ботирали Олимини енгил автомашинасига ўтиргизиб, қурилиш чала бир бинога олиб борди. Шу ерда ишлаб юрган 3 нафар тожик йигитнинг қўлига топшириб келди. У ердан базўр қочиб қутулган Олима яна Дилрабонинг олдига паноҳ сўраб келди ва уйига жўнатиб юборишини илтимос қилди. Бунга жавобан эса Дилрабо ва унинг эри Ботирали Олимининг бошига бундан баттар қунарни солдилар. Сўнг Мухаббат исмли фоҳишабозга 10 000 рублга сотиб юборилди.

Шу ўринда галати бир ҳолга тўхталиб ўтмай иложимиз йўқ. Ўзбекистонга "Истиқболли авлод" жамияти ёрдамида базўр етиб келган, бир неча ой даволинишга мажбур бўлиб азиятлар чеккан Олимаҳон суд мажлисида Дилрабога ҳеч қандай даъвоси йўқ эканлигини айтди. Чунки, Дилрабо унга етказган моддий зарарни тўла қоплаган эмас. Жабранувчи сифатида судда қатнашган Шакарой ҳам ҳеч қандай жабр кўрмадиган, судланувчида даъвом йўқ қабилидаги гапларни қилди. Бу нимадан далолат беради? Дилрабо ҳақиқатдан

ни Москвага жўнатиш учун кетган вақти - "простой" учун унга ким ҳақ тўлайди?! "Қишлоғида шарманда қилишлари"дан қўчиган, устига устак елкасига ортилган қарзлар юкidan Нилуфар букчаиб қолди. Ноилож Москвага учигиша розилик берди. Бироқ унинг кўнглида аллақачон бошқача ўй ўтган эди.

Аэропортда уларни Ойбек кутиб олди. Тайсаллаб турган Нилуфардан дўқ-пўписаларни аямасди. Нилуфарнинг паспорти ва авиачиптасини қўлга киритган Соҳиба эса божхона декларациясини тўлдиришга ўтирди. Одам савдосига қўл урган, бу жиноятнинг энг жирканч кўринишини содир этишга жазм этганларнинг бу галги ишлари юришмади. Улар ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари томонидан қўлга олинди. Дарвоқе, суд залида Нилуфар ҳам жиноятчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб туриб олганлигини қайд қилишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Дилрабога қонунда белгиланган жазо тайинланди. Унинг гапларига чув тушган фоҳишаларнинг "омалдиқларни" уйларига қайтиб келишди...

Баҳодир ЭРМАТОВ,
Гулистон шаҳар прокуратурининг ўринбосари
Ғайбулла ДОСТОВ,
"Адолат кўзуси"нинг махсус муҳбири

Жорий йилнинг охирида мамлакатимизда ялпи сайловлар бўлиб ўтади. Сийсий партияларнинг тақдирини, эртанги кунини шу сайловлар белгилаб беради.

Мамлакатимизнинг парламент фаолиятини ташкил этишда сийсий партияларнинг ўрни ва таъсири янада ошмоқда. Ваҳоланки, биз мамлакатимиз мустақилликка эришгунча тарихга назар солиш, уни таҳлил тарозисига тортиб, ҳолис баҳолашдан кўриқиб келдик. Худди ўша кезлари боболаримиз асрлар қаърида сайқал бериб, бизга мерос қолдирган маънавий қадриятларимиз камситила бошланди.

ДУНЁНИ БУНЁДКОР ҲОЯЛАР БОШҚАРАДИ

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар олдидagi ўйлар

Бизда дунёвий фанларнинг отаси-фалсафани ўргатиш ҳалигача қанотланган, деб бўлмайдми. Яқин-яқингача-ку "фалсафа" деганда биз фақат марксизм-ленинизмни тушуниб келдик, чунки фақат шунини ўргатдилар.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин ҳам бу фан соҳаси бўйича мукаммал дарслик ва қўлланмалар яратилди, деб айта олмаймиз. Ваҳоланки, аждодларимиз тафаккур ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзига ижоди намуналаридан тортиб, бутунни кунда кутубхоналаримиз хазинасига сақлаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда муҳассамлашган тарих, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт ва бошқа фанларга оид қimmatбахо асарлар бизнинг булук маънавий бойлигимиздир. 10-асрдаёқ буюк бобомиз Абу Наср Форобий фалсафа соҳасида Арастуздан кейинги иккинчи муаллим деб жаҳонда тан олинган. Европа олимлари ва зиёлилари Форобий, Ал-Хоразмий, Беруний,

Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Ясавий, Наҳиддин Кубро, Абдулоҳлиқ Фикдудовий, Баҳроуддин Нақибанд сингари буюк боболаримизнинг асарларини ўз тилларига таржима қилиб, ўргатгачина у ерларда ҳам 14-16-асрларда Уйғониб даври бошланган. Шу туйғайти ҳам инглиз олим Герлер "шарқ Европанинг муаллими" деганда минг бора ҳақ эди.

Шу пайтгача биз тарихга синфий нуқтан назардан қараб келдик. Шунинг учун ҳам фалсафамиз, тарихшунослигимиз ва ижтимоий фанларимизнинг ҳали жаҳон илми даражасида деяр олмаймиз.

Миллатимиз тарихини чуқур ўрганган араб олими Ибн Ҳоқал "Мовароуннаҳр халқининг жўмардлиги шу даражадаки, гўё барчаси бир хонадонда яшашгандеклар", деган эди. Миллий истиқлол туйғайти миллатимизнинг ана шу жўмардлиги, меҳмондўстлиги, кўнгли очиклиги ва бошқа ибрат

бўларли томонларини янада бўрттириб кўрсатишимизга имкон туғилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, таълим тизимида бир қанча ўзгаришлар қилинди. Истеъдодли болалар учун махсус мактаблар, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, лицей ва академик лицейлар ташкил этилди. Бироқ

дея таъкидланади Президентимиз Исрол Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарид.

Мамлакатимиздаги сийсий партияларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этиш йўлидаги сай-ҳаракатларини кўриб, кўнглинг бироз ёришгандек, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ечимини топгандек бўласан киши. Чунки

ялар фаолиятига берилган ҳаққоний баҳо эди. Партиялар бундан тўғри хулоса чиқариб олишлари, ўзаро сийсий курашда эларо обрў қозонишлари даркор.

Жорий йилнинг охирида мамлакатимизда ялпи сайловлар бўлиб ўтади. Сийсий партияларнинг тақдирини, эртанги кунини шу сайловлар белгилаб беради. Шундай

ҳали булар етарли эмас. Президентимиз кейинги пайтда асосий этиборни мактабга, ёш авлод тарбиясига қаратаётти, бу соҳадан маблагни аямашти, бошқаларни ҳам бу соҳага этибор беришга ундаётти. Ваҳоланки, янги авлод тарбияси учун ажратилган ҳар бир сўм йиллар ўтиб мамлакат хазинасига юз баравар, минг баравар бўлиб қайтишини эслан қараслигимиз зарур.

Зеро, "...Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, арпоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча сай-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қондасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз",

партияларнинг дастурларида миллатнинг ўзлигини англаши, миллий тафаккурга кенг йўл очини, Ватанинг асл моҳиятини ҳар томонлама шакллантириш, миллий қамолат йўлини белгилаш, миллатнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш заминиди фаровон ва озод истиқболни яратиш гоиси ўз аксини топган.

Бу муқаллас эзгу гоияни амалга ошириш учун эса мамлакатимизда мавжуд партиялар сафларини Ватан, халқ манфаатини ўз манфаатини устун қўядиган ҳаққоний фидойилар, гурунги муқаллас билан диганлар эвазига тўлдириб, мустақамлаб боришлари лозим.

Президентимиз Исрол Каримов Олий Мажлисининг бир сессиясида мамлакатимиздаги сийсий партиялар ҳақида тўхталиб, уларнинг ижтимоий-сийсий ҳаётдаги иштироки мўрт ва заиф эканлигини танқид қилди. Бу танқидий фикрлар мамлакатимизда мавжуд сийсий партия-

экан, бу сайловда кураш ҳар қачонгиланда кескин бўлади. Бу курашда Ватан учун, халқ учун фидойи бўлган партиялардан депутатликка номзоди қўйилганлар голиб чиқилари аниқ. Дунёни гоилар бошқаради, деган гап бежизга айтилмаган. Вилоятимизда мавжуд сийсий партиялар фаоллари фуқароларнинг сийсий онгини юксалтириб, ўз партияларининг обрўсини оширишга, таъсирини кучайтиришга интилишлари керак. Ўз аъзоларининг бутун фаолиятини миллатимиз ва халқимизнинг бахт-саодати ҳақидаги асрий орзу-армонлари намоён бўладиган Ватан истиқболни яратишга йўналтириш уларнинг асосий вазифасидир. Мазкур вазифаларни бажара олган сийсий партия аъзоларига эл ишончини қозониб, ҳокимият учун курашда голибликни қўлга киритишларига ишонса бўлади.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
журналист

Президентимиз Исрол Каримов томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" деган сийсий концепциянинг асл моҳияти жамиятнинг бошқаришда аста-секин нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг иштироки этишини кенгайтириб боришда кўринали.

Маълумки, сийлов ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим сийсий ҳуқуқлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-боби "Сийлов тизими" деб номланиб, тўла-тўқис мазкур тизимнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Шунингдек, 1994 йил 5 майда қабул қилинган "Фуқаролар сийлов ҳуқуқларини қафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда сийлов қонунчилиги тақомиллаштирилиб боришмоқда. Бу борада 2008 йил 25 декабр ойда қабул қилинган "Сийлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун мамлакатимизнинг сийлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республи-

каси Конституцияси"га тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 5-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага қўпайтиришни назарда тутиб ўзгаришлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сийлов округлари бўйича қўпартивийлик асосида сайланади. Шу асосда сийсий партияларнинг парламент қўли палатасидаги вакилиги кенгайти, бу эса сийсий партияларнинг парламент фаолиятини ташкил этиш, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, ижтимоий-сийсий ислохотларнинг самарали

муддат 6 ой қилиб белгиланган бўлса, эндиликда бу муддат қўли билан 4 ойни ташкил этади. Шунингдек, муқаддам сийсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 50 минг нафар сийловчининг имзосини тўллаши лозим бўлган бўлса, энди бу миқдор 40 минг нафарга туширилди.

Бундан ташқари айрим тоифадаги фуқароларнинг сайловда иштирок этишига доир бир қатор чекловлар олиб ташланди. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сийлов тўғрисида"ги Қонуннинг аввалги таҳрирдаги 25-моддасида мувофиқ, жиноятнинг ва тайинланган жазонинг қай даражада оғирлигидан қатъи назар, солир этган ҳар қандай жинояти учун судланган-

Маълумки, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан воқеа бўлди. Муҳими шундаки, Конституция мамлакатимиз фуқароларининг эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек қонуний манфаатларини мустаҳкам равишда қафолатлаб берди.

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиш орқали амалга оширилади" деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг сийлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сийлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин. Актив сийлов ҳуқуқи, яъни сийлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сийлаш билан иштирок этишини кўзда тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сийлаш ҳуқуқига эгадирлар деб белгиланган. Бу ҳуқуққа мамлакатнинг қонунида белгиланган ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролари эга бўладилар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озоликлдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сийлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.

Пассив сийлов ҳуқуқи, яъни сийланиш ҳуқуқи ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар.

Масалан: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида сийлов кунини йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камиди беш йил Ўзбекистон Республикаси фуқароси

ликаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сийлов тўғрисида"ги, "Референдум аяунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Сийсий партиялар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сийлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сийсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сийлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини қақариб олиш тўғрисида"ги Қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сийлов тўғрисида"ги, Қонуннинг 1-моддасида, "Референдум аяунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий

қонунчилик базасини шакллантиришдаги рол ва таъсирини янада ошириш манфаатларига мос тушади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сийлов тўғрисида"ги, Қонуннинг 1-моддасида асосан Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади. Бу ҳозирги босқичда апроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиетни яхшилаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари гоёт долзарб эканлигини инобатда олиб киритилган ўзгаришлардан биридир.

Сийлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида киритилган яна бир ўзгаришлардан бири ҳокимият вакиллик органларига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қонданнинг чиқариб ташлаиши ҳисобланади. Бу ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда, давлат бошқарувини янгиллаш ҳамда янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сийсий партияларнинг иштироки учун янада кенг имкониятлар яратиб беради.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сийлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида киритилган ўзгаришларга асосан сайловда иштирок этиш ниятида бўлган партияни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олишининг аввал белгиланган муддати қисқартрилди. Хусусан, аввал ушбу

лик ҳолати тугатилмаган ёки султанганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Эндиликда амалдаги қонун ҳужжатларида киритилган ўзгаришларга мувофиқ солир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун султанганлик ҳолати тугатилмаган ёки султанганлиги олиб ташланмаган фуқароларга депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда қонунчиликка сийсий партиянинг ваколатли вакили институти киритилди. Яъни депутатликка номзодлар кўрсатган сийсий партия сийлов уастасида овозларини санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сийлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз сийлов қонунчилиги йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Демократик сийловлар тизими мустақил Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишининг энг муҳим механизмлардан бири бўлиб, мамлакатимизнинг демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида янада ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Хуришд КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Бу дахшадли воқеа қишлоқ аҳлини қарахт қилиб қўйди. Бундай вазиятда саволларга тайинли жавоб олиш мушкул эди. Ҳар қандай кишини ларзага солувчи воқеа жойига етиб борган прокурор, ИИБ бошлиғи, уларнинг ўринбосарлари, тезкор-тергов ходимлари ҳис-туйғуларига эрк бермай, ўт қўйилган темир автодўкон ичини, таниб бўлма даражада қуйиб қорайган жасадларни, теварак-атрофни синчиклаб кўздан кечиришди. Ёниб битмаган кийим қолдиқлари дардини ичига ютган оталарнинг дилидаги "балки, бу менинг фарзандим эмасдир, бошқа бировдир" деган сўнгги умидни ҳам сўндирмоқда эди.

— Қизимнинг камарчаси шунақа эди...

— Шунақа, пушти ранг жемперини кийиб олганди...

Қишлоқнинг икки хонадонда оналарнинг фарёди юракларни ўртади.

Марҳум қизалоқларнинг оталари, қариндошлари кўзларида ёш қалқиди. Кечагина қариндошларининг тўйида ўйнаб-қулиб юрган беш яшар Маржона билан олти яшар Гузалой энди йўқ. Кечаги тўй бутун азага айланган.

Норасидаларнинг жонига ким қасд қилди? Қай бир иблис уларни шу қадар қийнаб, азоблаб ўлдирди? Нима учун? Агар оила-отаси қасдлашган бўлса, қизалоқларда нима гуноҳ? Балки, руҳий касал кимсанинг қилмишидир бу?



тадан гумонланувчи тариқасида сўроқ қилинганида ҳам аввалги сўзларини такрорлади.

Бундан аввал қишлоқдаги муқаддам султанга беш нафар фуқаролар гумондор сифатида сўроқ қилинган, уларнинг жиноятга алоқалари йўқлигини тасдиқловчи далиллар йиғилган эди. Муқаддам икки бор судланган Ф.Тожилиновнинг муҳриш жиноят содир этилган пайтда уйда бўлгани ҳақидаги вақтини гувоҳ Э.Эсоновнинг кўрсатмиси инкор қилди. У

нов жиянининг кўрсатмасини тасдиқлади. Қир ёнбағрида бирга ўтирганларида қора чарм куртка, кўк шим кийган одам иккита пушти ранг кийимдаги қизчаларни етаклаб бораётганини кўрган, масофа олиб бўлгани туфайли уларни таний олмаганини таъкидлади.

Тўйга гувоҳ Х.Соттиев тасвирлаб берган кийимда борганини Ф.Тожилиновнинг ўзи ва бошқа гувоҳлар ҳам тасдиқлашди.

У айна қизчалар гоийб бўлган пайтда тўйхонани тарк этган эди.

— Базмга келган меҳмонларни қузатганимиздан кейин Фархиддин, Додоусмон, Тоҳиржон, Хайитжон, Бехрузлар билан столда ароқ ичиб ўтирдик,

— деди гувоҳ Д.Мирзабоев.

Икки-уч шisha ароқ ичдик. Соат кундузги ўн бирларда юк мошиниси келганидан кейин стол-стуларни юклай бошладик. Орамизда Фархиддин йўқ эди. Уни бошқа кўрмадик.

Гумонланувчининг турмуш ўртоғи Ф.Тожилинова дастлабки суриштирув ва терговда қарама-қарши

ёнимизга келди. Мени бир чеккага тортиди. "Сен аввал султангансан" деди. "Қамоқхонада юриш-туришнинг биласан. Бу ишни мен қилдим. Агар бўйинига олсанг, бир миллион сўм бераман. Мен Россияга кетиб юборганимдан кейин айбни менга тўнкайверасан" деб мени авради. Қирғизистонлик танишларимдан бир миллион сўм қарзим бор эди. Шунинг учун гапига қўлидим. Фақат тилхат ёзиб берасан, деб шарт қўйдим. У қизчаларни қасрга олиб бориб, қандай ўт қўйганини дафтар варағига ёзиб, қизларнинг қўлголидан ечиб олган сиргани қўшиб берди. Сиргани тилхатга ўраб уйимга яшириб қўйганман.

Суд мажлиси тўхтатилиб, судланувчи айтаётган ашёвий далилларни топиб келтириш тўғрисида топишқор берилди. Холислар иш-тирозиди у айтган жойлар тинтиб кўрилди. Бироқ тилхат ва сиргалар топилмади. Орадан икки кун ўтиб суд мажлисида унинг қариндошлари гуё ўша тилхат ва сиргаларни тақдим этишди. "Прокуратура ва ИИБ ходимлари қоронги омборхонадан топа олишмабди" деган баҳонани рўқач қилишди. Лекин, хатшунослик экспертизаси тилхатдаги ёзув Ж.Ризаев дастхатига мос

ГҲДАКЛАРДА НИМА ГУНОҲ?

Тезкор-тергов гуруҳига ушбу саволларга жавоб олиш, қотилиш излаб топиш осон кечмади. Тоғли Сўх туманининг Демурсад қишлоғи аҳли ўзаро қариндош, қуданда, бир-бирларини суяшга оdat-ланишган. Суриштирув, сўроқлар жараёнида тўпланган айрим далиллар орқали ўша кунги воқеаларнинг тафсилотлари яхлит тарзда тикланди.

Қотилиш содир этилган кунни тонт-сахардан туш пайтигача қишлоқ аҳлининг аксарияти машхур хонанда тақлиф қилинган тўйда ўйнаб юришган. Н.Маҳмудов хонадонидagi ушбу суннат тўйи оdatлагидay, эsdалик учун бошидан охиригача видеотасвирга туширилган.

Шу қишлоқда яшовчи Ж.Ризаев нахорги ош ва базмга келмапти. У тоғ ёнбағридан тош йиғиб сотиш билан шуғулланаркан. Ўша кунни ҳам тош йиққани чиқиб кетган экан. Кечқурун қишлоққа қайтганида С.Орипов ва С.Усмоновларнинг қизчаларини ўлдириб кетишганини эшитибди. Тўй кунни айнан қотилиш юз берган адирликда бўлгани учун у гумонланувчи тариқасида сўроқ қилинди. Бироқ унинг ушбу жиноятга қўл уриши учун бирон-бир сабаб йўқ эди. Ж.Ризаев марҳум қизчаларнинг ота-оналари билан яхши муносабатда бўлган, оилалари ўртасига ҳеч қандай низо, адоват орамаган. Ўта оғир жиноятга дахли йўқлигини тасдиқловчи холис гувоҳлар етарли эди.

Тўйда қатнашганлар сўнгги бор қизалоқларни соат кундузги ўн бирларда кўришган. Қизи кўринмай қолгач, Маржонанинг отаси Соҳибжон тўйхонадаги турмуш ўртоғидан суриштирган. У "Боя кўчада ўйнаётган эди" деб хотиржам қилган. Отанинг қўнгли барибир нимаданлир гаш бўлиб, сўраб-суриштиришга, қидиришга тушган. Тўшдан кейин яна бир қизалоқ — Гузалхон тўйдан уйига қайтиб бормагани аён бўлгач, ота-оналари қишлоқдаги хонадонларга қидириб чиқришган. Ҳамқишлоқларидан бири икки қизчани кимдир адир тарафга етаклаб кетаётганини кўрганини айтгач, Маржонанинг даласи, Гузалхоннинг босиб ва тоғаси кечки пайт Қайроққа йўл олишган.

Қайроқ адирлигида машинадан ажратиб олиниб, ерга ўрнатилган,

омборча сифатида фойдаланиладиган Мирзаалининг темир автодўконини туйнуқларидан тутун ўрлатганини кўришган. Яқинлашганларида димоқларига балбўй ис урилган. Унинг ичига киришганида ўртасидаги ўрада иккита қуйиб қорайган кичкина одам жасадларига кўзлари тушган. Жасадларни кўтариб чиқиб ташқарига, автодўкон эшиғи ёнига қўйишган. Сўнгга туман ИИБнинг навбатчисида телефон орқали хабар берилган.

Ҳамқишлоқлар қизчаларни сўнгги бор тўйхона ортидаги ариқ бўйида ўйнаб юрганларини кўришганди. Уларни ким, қандай олиб кетганини ҳеч ким билмасди. Тергов боши берк кўчага кириб қолгандай эди. Бир неча тахминлар бўйича суриштирув-қидирув натижа бермади. Суриштирув мобайнида гувоҳлардан бири икки қизчани адир тарафга етаклаб кетаётган одамни кўрганини, олисдан уни танимаганини баён этди. Тўйда ўйнаб юрган қизалоқларни адирга етаклаб кетган одам меҳмонлардан бири бўлиши мумкин, деган тахмин текширишга бошланди.

Ушбу ўта шафқатсиз жиноятни қизалоқларнинг ота-оналарига қасдлашиб қолганлардан бири ўч олиш мақсадида содир этганига оид тахмин ҳақиқатга яқин эди. Вилоят ИИБ бошлиғи Т.Худайбергеновнинг топишқор билан тергов эксперименти ўтказилди. Тўйхонага қайтадан стол-стулар, қозон-ўчоқлар келтирилиб, тўйнинг видеотасвирдагидay тартибда жой-жойига қўйилди. Тўйда ҳозир бўлган барча меҳмонлар, қўшнилар, қариндошлар қайта тақлиф қилинди. Бевосита тўй кунни олинган видеотасвирларга солиштирилганида, меҳмонлардан бири экспериментда қатнашмаётгани, қотилиш содир этилган кунни соат ўн бирда, айнан қизчалар гоийб бўлган кезде тўйхонада кўринмай қолгани кўзга ташланди.

Экспериментдан аввал қишлоқ аҳли ўртасида ўтказилган суриштирувда қариндошларнинг тўйида хизмат қилиб, нахорги ошга ташриф буюрган меҳмонларни қузатганларидан сўнг столда ўтириб, бир неча ҳамқишлоқлари билан ароқ ичган Фархиддин Тожилинов соат ўн бирларда уйига жўнаган, кечгача уйда ўтин тайёрлаганини баён қилган эди. Бунинг хотини тасдиқлади. Ф.Тожилинов қай-

кундуз кунни Ф.Тожилиновни адирлик тарафдан шошганича уйига бораётганини кўрган эди.

— Ўша кунни соат ўнларда укам Равшанжон билан ўтин йиққани Қайроқ адирига чиқиб бордик. Укам тушгача ўтин йиғиб уйига кетди. Соат ўн иккиларда қизларим тушлик овқат олиб келишди. Соат иккиларда қарши тарафдаги қирда қурган ёввойи супургиларни ўраётганим. 500 метрча пастроқда бир киши икки пушти ранг кийимдаги қизчаларни етаклаб бораётганига кўзим тушди. Олисан уларни таний олмам. Мол ёки қўйларини йўқотиб қўйиб ахтаришяпти шеклили, деб ўйладим. Улар Мирзаалининг вағони ёнига боришди. Қизчалар тегири бонча атрофида ўйнаб туришганида ҳалиги одам деразасидан вагоннинг ичига қаради. Кейин эшигини очиб ичкарига кирди. Ўришидан узоқ қариндошимиз Фархиддинга ўхшатдим. Ўн минутча қараб турдим. У мени кўрмади. Ўтиларини боғлаб ўй тарафга йўл олдим. Ярим соатча юриб дам олгани ўтирдим. Вагонча адир ортида қолган эди. Ортимга қарасам, адир нарёғидаги вагонча тарафдан осмонга тутун қўтариляпти. Қизлари совқотган бўлса, ўт ёққан бўлса керак, деб ўйладим. Пастликдаги жилгангидан баланд қирғоғида тагин нафас ростлаб ўтирганимизда Фархиддиннинг бир ўзи чорбоғи тарафга шошиб бораётганини кўриб қолдим. Қизчалар чарчаб қолтишгани, машинада қайтиб келиб уларни олиб кетса керак, деб ўйладим.

Бошқа гувоҳ Х.Соттиев ҳам икки қизчани адир ёнбағридаги вагонча тарафга етаклаб бораётгани билан кўрган эди.

— Бобом тоғамга тушлик овқатини олиб кетаётган экан. Эшак миннишга қизқиб, овқатни мен олиб бораман, дедим. Адирда ҳамқишлоқларимизнинг мол-қўйларини боқаятган Сухроб тоғамни ёнида соат тўрт яримларгача юрдим. Соат ўн иккиларда қир ёнбағрида ўтирганимизда адирлар оралиғидаги сойнинг нарёғида қора куртка, кўкиш шим кийган одам икки қизчани қўлларидан етаклаб бораётганини кўрдим. Уларни 15 минутча кузатиб ўтирдим. Қизчалар у билан бемалол кетишяётган, хархаша қилишяётган эди. Кейин бобомнинг вагонига қизчаларни ёқиб юборганини эшитдим. Х.Соттиевнинг тоғаси С.Усмо-

кўрсатмалар берди. Аввалига турмуш ўртоғи тўйдан соат ўн бирда қайтганини таъкидласа, сўнгга уйга кундузги тўрт яримларда келганини эслади.

— Эрталаб милиция ходимлари келишди, — деди у. — Эрим улар билан чиқиб кетаётган сендан сўралса, кеча ўн бирда уйга келган, кечгача ўтин қилган дейсан, деб тайинлади. Аввалги сўроқда шу гапни нотўғри айтган эдим. Эрим ўша кунни уйга соат тўрт яримларда келган эди.

Гувоҳлар билан юзлаштириб сўроқ қилинганидан сўнг Ф.Тожилинов айбига инкор бўлди.

— Маржонанинг отаси Соҳиб Орипов Россияда қўрилишда ишлаганимизда иш қилган дейсан, деб тайинлади. Аввалги сўроқда шу гапни нотўғри айтган эдим. Эрим ўша кунни уйга соат тўрт яримларда келган эди. Ортимга қарасам, адир нарёғидаги вагонча тарафдан осмонга тутун қўтариляпти. Қизлари совқотган бўлса, ўт ёққан бўлса керак, деб ўйладим. Пастликдаги жилгангидан баланд қирғоғида тагин нафас ростлаб ўтирганимизда Фархиддиннинг бир ўзи чорбоғи тарафга шошиб бораётганини кўриб қолдим. Қизчалар чарчаб қолтишгани, машинада қайтиб келиб уларни олиб кетса керак, деб ўйладим.

Бошқа гувоҳ Х.Соттиев ҳам

